

1.	ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ							
	Тўлиқ:					"UzAssets investitsiya kompaniyasi" aksiyadorlik jamiyati		
	Қисқартирилган:					"UzAssets" AJ		
	Биржа тикерининг номи:*					-		
2.	АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ							
	Жойлашган ери:					Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй		
	Почта манзили:					100035		
	Электрон почта манзили:*					info@uz-assets.uz		
	Расмий веб-сайти:*					uz-assets.uz		
	МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ							
	Муҳим фактнинг рақами:					06		
	Муҳим фактнинг номи:					Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган		
	Ягона акциядор қарори:					Йиллик		
	Ягона акциядор қарори қабул қилинган сана:					28.08.2026й.		
	Ягона акциядор қарори имзоланган сана:					28.08.2026й.		
	Ягона акциядор қарори қабул қилинган жой:					Тошкент шаҳри		
	Ягона акциядор қарори кворуми:					100%		
	№	Қарор қабул қилинган масалалар	Қарор қабул қилиш яқунлари					
			ёқлаш		қарши		бетарафлар	
			%	сони	%	сони	%	сони
	1.	“UzAssets” АЖнинг 2025 йил якуни бўйича ижроия органи ҳисоботини кўриб чиқиш тўғрисида.	100	31 800 000	0	0	0	0
	2.	“UzAssets” АЖнинг 2025 йил молия-хўжалик якуни бўйича ташқи аудиторнинг ҳулосасини кўриб чиқиш.	100	31 800 000	0	0	0	0
	3.	“UzAssets” АЖ аффилиланган шахслари билан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига қадар бўлган даврда жамият томонидан жорий хўжалик фаолияти давомида келгусида тузилиши мумкин бўлган битимлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида.	100	31 800 000	0	0	0	0
	4.	“UzAssets” АЖ Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) масаласини кўриб чиқиш тўғрисида.	100	31 800 000	0	0	0	0
Ягона акциядор томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:								

	Кун тартибидаги биринчи масала бўйича: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 мартдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-83-сон қарорига асосан, давлат иштирокидаги 31 та йирик корхоналар устав капиталидаги давлат акция пакетлари (улушлари) Жамиятга бошқарувга берилиши белгиланган бўлиб, Жамиятга қуйидаги вазифалар юклатилган: иктисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик корхоналарни ислоҳ қилиш, шу жумладан экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойилларини жорий этиш ҳамда хусусий секторни жалб қилиш; корхоналарнинг рентабеллиги ва операцион самарадорлигини ошириш, молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда бизнес-жараёнларни оптималлаштириш; Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг корпоратив бошқарув бўйича тавсияларини жорий этиш орқали бошқарувга берилган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда уларнинг қийматини ва инвестицион жозибадорлигини ошириш; бошқарувга берилган корхоналарнинг ижроия органи ва кузатув кенгашига маҳаллий ҳамда хорижий малакали менежерларни жалб қилиш. Мазкур қарорнинг 1-илоvasида келтирилган ҳисоботга кўра, “UzAssets”АЖ (кейинги ўринда – Жамият) томонидан 2025 йил давомида қуйидаги ишлар амалга оширилди: 19 та корхонанинг 2024 йилдаги молиявий ҳисоботлари халқаро стандартларга (IFRS) ўтказилиб, аудиторлик компаниялари хулосалари олинди. 2025 йилда 8 та корхона (Навоий КМК, Навоийуран, Олмалик КМК, Ўзбекнефтегаз, Худудий электр тармоқлари, Ўзбекгидроэнерго, Uzbekistan Airways, Uzbekistan Airports, Ўзбектелеком) ESG рейтинглари олинди, 2 та корхона (Ўзметкомбинат, Ўзбекгидроэнерго)да яхшиланди ва ушбу йўналишда жами ESG рейтинглари сони 10 тага етказилди. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда давлат						
--	---	--	--	--	--	--	--

3.	иштирокидаги йирик корхоналар Кузатув кенгаши таркибидаги жами 155 та ўриндан 49 та ўринга (31 фоиз) мустакил аъзолар тайинланди. 2025 йил ўтган давр мобайнида Жамият томонидан жами 21 та корхона учун “2025 йил учун акциядор қутилмаси” ҳамда “Йўл харита”си ишлаб чиқилди ва ижро учун давлат иштирокидаги йирик корхоналарга юборилган. 2025 йил Жамият томонидан давлат иштирокидаги йирик корхоналар кесимида таннархни камайтириш режаси 16,1 трлн сўм бўлиб, амалда 17,8 трлн сўмни ташкил этди. Давлат иштирокидаги йирик корхоналарнинг Кузатув кенгашлари таркибига тайинланган мустакил аъзолар Ўзбекистонга таклиф этилган ҳолда 2025 йил 28 октябрда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Жамият ҳамкорлигида “Давлат компаниялари кузатув кенгашларининг мустакил директорларининг иккинчи форуми” ташкил этилди. Тадбирда халқаро молия институтлари (Жаҳон банки, ОТБ, ЕТТБ, ХМК ва бошқалар), йирик давлат корхоналари кузатув кенгашлари ва бошқарув раислари ҳамда вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этишди. 2025 йил давомида Жамият томонидан умумий 35,4 млрд сўм миқдорида даромад олинди. Ушбу даромадларнинг асосий қисмини (30,4 млрд сўм) Жамият бошқарувига топширилган давлат иштирокидаги корхоналарга кўрсатилган хизматлардан тушган тушумлар ташкил этди. Қолган 4,9 млрд сўм миқдоридаги даромад эса Жамиятнинг депозит ҳисоб рақамларидаги пул маблағларига ҳисобланган фоиз даромадлари ҳисобидан шаклланди ва жамиятга тегишли автотранспорт сотилиши эвазига 124,8 млн сўм пул маблағи бошқа даромад сифатида келиб тушган. Ҳисобот даврида Жамият томонидан маъмурий ва бошқа операцион харажатлар учун жами 26,3 млрд сўм миқдорида маблағ сарф этилди. Жамиятнинг 2025 йил бизнес режасида назарда тутилган, Жамият бошқарувига топширилган давлат иштирокидаги корхоналарга кўрсатилиши режалаштирилган хизматлар бўйича даромадлар тушмаганлиги натижасида, Жамиятнинг 2025 йил молиявий фаолияти 9,1 млрд сўм миқдоридаги зарарни ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 31 июлдаги 2383-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш” қоидалари билан эмитентнинг йиллик ҳисоботининг шакли тасдиқланган. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59-моддасига мувофиқ, Жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилиниши лозим. Шунингдек Қонуннинг 102-моддасига кўра, Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши белгиланган. Шу сабабли, Жамиятнинг 2025 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш учун киритилмоқда (илова қилинади). Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан қарор қилинди: 1. Жамият ижроия органининг 2025 йил ҳисоботини 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин. 2. 2025 йил Эмитентнинг йиллик ҳисоботини 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.	100	31 800 000	0	0	0	0
----	--	-----	------------	---	---	---	---

2.	Кун тартибидаги иккинчи масала буйича: “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуннинг 35-моддасида акциядорлик жамиятлари ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозимлиги белгиланган. Жамиятнинг 2025 йил молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) бўйича “Assent Audit International” МЧЖ (Аудитор) томонидан аудиторлик текшируви ўтказилди. Мазкур текширув натижасида тузилган ҳисоботга кўра, Жамиятнинг 2025 йил 31 декабрь ҳолатига жами активлари 38 667,16 млн сўмни, жами мажбуриятлари 5 132,20 млн сўмни, соф активлари эса 33 534,96 млн сўмни ташкил этган. Шунингдек, Жамият томонидан Жамиятнинг 2025 йил учун молиявий ҳисоботлари ҳаққоний тақдим этилганлиги тўғрисида мустақил аудитор томонидан 2026 йил 30 июнь куни ҳулосаси тақдим этилган бўлиб, мазкур ҳулоса ҳисоботи илова қилинади. Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан қарор қилинди: 1. Жамиятнинг 2025 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича ташқи аудиторнинг ҳулосаси маъқуллансин ва маълумот учун қабул қилинсин.	100	31 800 000	0	0	0	0
3.	Кун тартибидаги учинчи масала бўйича: “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 88-моддасига асосан жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлилиги белгиланган. Шу муносабат билан, Жамият томонидан жорий хўжалик фаолияти давомида келгусида аффилиланган шахслар билан тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш масаласини кўриб чиқиш таклиф этилмоқда. Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан қарор қилинди: Жамият томонидан жорий хўжалик фаолияти давомида келгусида аффилиланган шахслар билан битим тузилиши мумкин бўлган аффилаган шахслар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.	100	31 800 000	0	0	0	0

	4.	Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича: “UzAssets” АЖ Ягона акциядорининг 2023 йил 30 августдаги 1-сонли қарори билан Абдиназаров Бобур Каландарович - 2023 йил 30 августдан “UzAssets” АЖ Бошқарув раиси этиб 3 (уч) йил муддатга тайинланган. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59-моддасига кўра, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кириши белгиланган. Жамиятнинг амалдаги бошқарув раиси Б.К.Абдиназаровни ушбу лавозимга қайта сайлаш (тайинлаш) таклифи берилди. Кун тартибидаги тўртинчиинчи масала юзасидан қарор қилинди: Жамият бошқарув раиси этиб Абдиназаров Бобур Каландарович 2026 йил 30 августдан 3 йил муддатга қайта тайинлансин.	100	31 800 000	0	0	0	0
--	----	---	-----	------------	---	---	---	---

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.:

Б.Абдиназаров

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.:

М.Тожибоев

Веб-сайтта ахборот жойлаштирган ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.:

С.Азамхўжаев